



Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги тарихий тош кўприкни реконструкция килиш ишлари якунланмокда. Бу хакда, «Народное слово» газетасига асосланиб, Daryo.uz хабар берди.

XX аср бошида Зарафшон дарёси киргоқларини бирлаштириш мақсадида қурилган кўприк санъат асарига айланиб кетди. Унинг ташки кўриниши беихтиёр диққатни тортади: кўприк тўққизта арка ва саккизта устунга таяниб туради. Унинг узунлиги 50 метр, кенглиги 5 метрдан иборат.

XX аср охирларида тош кўприк ёнидан янги темир-бетон кўприк қурилди ва барча келди-кетдилар у орқали амалга оширила бошлади. Бирок яқинда эски тош кўприк қайта қуришдан чиқарилди, энди у ҳам қайтадан аҳолига хизмат кўрсатишни бошлайди, деб ёзади газета. Айни пайтда кўприк атрофидаги ҳудуд ободонлаштирилмокда.